

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Баходир Ибрагимович ИСРОИЛОВ

Иқтисод фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Тошкент, Ўзбекистон

b.isroilov@tsue.uz, b.i.isroilov@mail.ru.

Бобуршоҳ Баходир ўғли ИБРАГИМОВ

Иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Стажёр-адвокат

“Нодир химоя” адвокатлик бюроси

Тошкент, Ўзбекистон

bobursohibb@gmail.com

Аннотация

Мақолада муаллифлар томонидан иқтисодий хавфсизлик даражасини белгиловчи чегаравий миқдорларнинг хорижий амалиёти таҳлил қилинган. Мавзу бўйича ўтказилган таҳлиллар асосида иқтисодий хавфсизлик даражасини белгиловчи чегаравий миқдорларни белгилаш бўйича тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: дунё иқтисодиёти, глобаллашув жараёнлари, иқтисодий хавфсизлик, таҳдидлар, иқтисодий хавфсизлик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, ташқи қарз.

ПРОБЛЕМЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОКАЗАТЕЛЕЙ, ОЦЕНИВАЮЩИХ УРОВЕНЬ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Баходир Ибрагимович ИСРОИЛОВ

Доктор экономических наук, профессор
Ташкентский государственный экономический университет
Ташкент, Узбекистан

b.isroilov@tsue.uz, b.i.isroilov@mail.ru.

Бобуршоҳ Баходир углы ИБРАГИМОВ

Доктор философии (PhD) по экономическим наукам
стажёр-адвокат

Адвокатское бюро “Нодир химоя”

Ташкент, Узбекистан

bobursohibb@gmail.com

Аннотация

В статье анализируется зарубежная практика предельных величин, определяющих авторами уровень экономической безопасности. На основе

анализа темы были даны рекомендации по установлению пороговых значений, определяющих уровень экономической безопасности.

Ключевые слова: мировая экономика, процессы глобализации, экономическая безопасность, угрозы, индикаторы, отражающие состояние экономической безопасности, внешний долг.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммолари тобора долзарб бўлиб бормоқда. Чунки глобал иқтисодиётда йирик давлатларда бошқа давлатлар иқтисодиётига таъсир этувчи иқтисодий механизмлар кўпроқ бўлади. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги деганда, мамлакат иқтисодиётининг барча даражаларини ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш тушунилади. Ушбу хавф-хатарлар мамлакат иқтисодиётига рақобатчи давлатнинг онгли таъсир натижаси ёки бозор муносабатларининг объектив таъсирига боғлиқ бўлиши мумкин [3].

Коронавирус сабабли тарқалган пандемия иқтисодий оқибатлари мамлакат иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масалалари давлатни ривожлантириш стратегиясининг ажралмас қисми бўлиши зарурлигини исботлади. Айрим давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг мураккаблашиши, глобаллашув ва интеграция жараёнларининг кучайиши билан иқтисодий таҳдидлар кучайиб бормоқда.


Тадқиқотлар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар миқдорий тавсифлари, уларни ўлчаш ҳамда таққослаш, иқтисодий хавфсизлик динамикасини аниқлаш имконини берадиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни мақсадга мувофиқлигини кўрсатади [2].

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви босқичида АҚШ, Хитой, Россия, Япония, Германия каби давлатлар ўртасида таъсир доиралар, ресурслар ва бозорлар учун глобал рақобат кураши кескин равишда авж олди. Бу ҳодисалар ҳар бир давлатнинг ўз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнларини тезлаштирди.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида иқтисодий хавфсизлик ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимига асосланган миллий иқтисодиёт хавфсизлигини аниқлаш, яъни иқтисодий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни баҳолаш мезонлари асосида минтақалар ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳозирги ҳамда келажакдаги ҳолатини башорат қилиш амалиёти ишлаб чиқилган. Ушбу кўрсаткичларнинг айримлари кўпчилик давлатга хос бўлиши мумкин. Лекин ҳамон иқтисодий хавфсизлик ҳолатини аниқлашнинг барча давлат учун ягона бўлган умумий ёндашуви мавжуд эмас. Шу боис кўпчилик муаллифлар мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ҳар бир давлат учун турли хил ва миқдорда бўлиши мумкинлигини таъкидлайдилар [4].

COVID-19 пандемияси сабабли дунёда содир бўлган глобал хаос, ҳозирда барча давлат иқтисодиётлари учун эътироф этилган ташқи таҳдидлардан ташқари, кутилмаган таҳдидларга ҳам дуч келиш мумкинлигини яна бир бор исботлади [9]. Шунинг учун давлатлардан минтақалар ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини аниқлаш индикаторлари тизими ва унинг мамлакат учун зарур миқдорларини белгилаши ҳамда уларни доимий таҳлил қилиши ва баҳолаши талаб қилинади.

Юқорида қайд этилган барча давлатлар учун умумий кўрсаткич (индикатор) сифатида эътироф этиладиган кўрсаткичлардан бири бу давлатнинг ташқи қарзи ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳозирда амал оширилаётган кенг кўламли ислохотларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат хорижий молия муассасаларидан ташқи кредитлар жалб этмоқда. Республика Марказий банки манбаларидан олинган маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шу боис ҳам кейинги йилларда давлатнинг ташқи қарзлари кўпайганлиги кузатилмоқда (1 -расм).



1-Расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзи ўзгаришлари 2013-2021 йиллар.

Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзи 2021 йил 1 июль ҳолатига 2013 йилга нисбатан 3,8 баробар (26,5 млрд АҚШ долларига), жорий йил бошига нисбатан эса 6 фоизга ёки 2,0 млрд. долларга кўпайиб, 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига 35,9 млрд. долларни ташкил қилмоқда [5].

Мамлакат ташқи қарзининг кўпайиши сабаблари жаҳон бозорида Ўзбекистон халқаро облигациялари нархларининг тушиши, янги қарзларнинг жалб қилиниши ва асосий қарз тўловлари амалга оширилиши ҳамда курслар ўзгариши ҳисобига йил бошига нисбатан 3 фоизга ошган.

Ташқи қарзнинг тўлаш имкониятини ифодаловчи кўрсаткич унинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши ҳисобланади. 2020 йил 1 январ ҳолатига жами ташқи қарз бўйича ушбу кўрсаткич 51,6 фоизни, давлат қарзига нисбатан эса 32,7 фоизни ташкил этмоқда. 2013 йилга нисбатан ушбу кўрсаткичлар мос равишда 14,5 фоиз ва 6 фоизни ташкил этган. Халқаро валюта жамғармаси тавсиялари бўйича ушбу кўрсаткич чегаравий миқдори 30-50 фоизгача бўлиши зарур ҳисобланади.

Ташқи қарзни тўлов қобилиятини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири бу бюджетдан ташқи қарзни тўлаш учун режалаштирилган маблағлар миқдорини экспортдан келадиган даромадга нисбати ҳисобланади. Чунки ташқи қарз тўлови учун хорижий валюта маблағлари манбаи экспортдан олинadиган тушумдир. Мамлакатимизда 2020 йилда 4775,5 млн. АҚШ доллари миқдорида экспортдан даромад олинган. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдги 589-сонли Қонунига асосан 2020 йилда 3289,9 млрд. сўм миқдордаги бюджет маблағи ташқи қарздорлик асосий тўловини сўндириш учун ажратиш режалаштирилган [1]. 2020 йилда ташқи қарзни қоплаш учун экспорт даромадидан олинган хорижий валютанинг 68,8 фоизи йўналтирилган. Халқаро валюта фонди тавсиясига кўра ушбу кўрсаткичнинг чегаравий даражаси 15-25 фоизгачани ташкил этади. Демак мамлакатимизда ушбу кўрсаткич халқаро молия институти тавсияси юқори миқдоридан 2,75 баробар ортиқни ташкил этган.

Фикримизча, экспортдан олинган хорижий валюта тушумининг асосий қисми давлат қарзини сўндириш учун йўналтирилиши эвазига хорижий валютанинг ички талабни қондириш даражаси пасайиши валюта курсларининг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Давлат қарзи барча давлатлар учун хос хусусиятга эга бўлсада, Ўзбекистон жаҳон банки стандартлари бўйича, даромади паст бўлган мамлакат бўлгани учун, ташқи қарз жалб этишга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, паст даромадли мамлакатлар орасида аҳоли жон бошига ўртача ЯИМ миқдори 2259 долларни, ЯИМдаги ташқи қарз улуши 29 фоизни ташкил қилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ЯИМ 2020 йилда жаҳон банки тавсия этган миқдордан паст даражани (1700 доллар) ташкил этган [6]. Шунингдек, ташқи қарзнинг ЯИМга нисбатан улуши эса юқорида қайд этилган кўрсаткич энг юқори даражасидан 1,6 фоиз позицияга ортиқ бўлиб қолмоқда.

Глобал миқёсдаги янги иқтисодиёт шароитида унинг иқтисодий хавфсизлиги айрим олинган давлатлар, соҳалар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши зарур. Аммо амалиётда бунинг акси, яъни глобаллашувдан барча мамлакатлар эмас, балки фақат уни бошқариш жараёнларини тўғри ташкил этган давлатлар учун фойдали бўлиши мумкин. Бу ҳолат 5 та бой (аҳоли жон бошига ЯИМ бўйича) ва 5 та камбағал давлатларнинг даромадлари миқдорининг ўзгаришлари таҳлилида (74:1-1997 й; 120:1 2018 й.) намоён бўлади.

П.Хоунинг (P.Hough) [7] фикрича, *либерал нуқтаи назардан* - интенсив глобаллашувнинг янада кенгайиши эвазига, меркантилистлар нуқтаи назаридан – глобаллашувнинг чекланиши эвазига, марксистик нуқтаи назардан – дунё миқёсида туб ўзгаришни амалга ошириш эвазига иқтисодий хавфсизликка эришиш мумкин.

М.Кахлер (M.Kahler) [7] эса, “глобаллашув иқтисодий хавфсизликнинг анъанавий таърифига "путур етказди", у бошқа давлатларнинг иқтисодий заифлигига қаратилган ҳаракатдир. Шу билан бирга, глобаллашув нодавлат сектори субъектларининг трансчегаравий тармоқлари билан боғлиқ хавфлари, шунингдек, янги муҳитнинг иқтисодий ўзгарувчанлиги нуқтаи назаридан иқтисодий хавфсизликни қайта баҳоланишига сабаб бўлади, деб ҳисоблайди.

Унинг таъкидлашича, иқтисодий глобаллашув ҳамда исталмаган иқтисодий ва сиёсий оқибатлар ўртасидаги боғлиқликни аниқ белгилаш зарур. Глобаллашув натижасида юзага келган ўзгаришлар иқтисодий хавфсизлик иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланишига ўз таъсирини ўтказиши керак. М.Кахлер минтақавий ва миллий ҳукуматлар бир-бирини тўлдириши ҳамда давлат ҳокимияти глобаллашган дунёда иқтисодий хавфсизликнинг марказида бўлиши зарур, деб ҳисоблайди.

Шу боис ҳам мамлакатни келгуси ривожланиш стратегиясини аниқлаш нуқтаи назаридан иқтисодий ўсиш ва иқтисодий хавфсизлик ҳолатларини баҳолаш мақсадида глобаллашув жараёнларини уларга таъсирини ҳар

тарафлама таҳлил қилиш ҳамда кўрсаткичлар таркиби масалалар хусусида муқаддам ўз таклифларимизни берганмиз [8]. Глобаллашув жараёнларининг кенгайиб бориши ва давлатлар иқтисодиётини ўзаро ҳамкорлигининг кучайиб бориш шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масаласига ёндошувда алоҳида эҳтиёткорлик талаб қилинади. Чунки ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий сиёсати, салоҳияти ҳамда геополитик жойлашувидан келиб чиқиб ўз миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиши зарур.

Евроосиё Иқтисодий Иттифоқига (ЕОИИ) аъзо бўлишга тайёргарлик кўриш ва Ўзбекистон иқтисодиётини рақамлаштириш шароитида иқтисодиёт хавфсизлик ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда унинг чегаравий мезонларини белгилаш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммолари ижобий ечимларини топиш мамлакат иқтисодиёти барқарор фаолияти учун хизмат қилади.

Биз ижтимоий барқарорлик назариясига мувофиқ иқтисодий хавфсизлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг чегаравий миқдорларини, ижтимоий-иқтисодий вазиятни битта кўрсаткич билан эмас, балки уларнинг умумий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар асосида баҳолаш зарурлиги ҳақидаги муаллифнинг фикрига кўшилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Лекин мамлакатлар иқтисодий хавфсизлиги даражаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ифодаловчи миқдорий ва сифат кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлади. Масалан, давлат ташқи қарзи миқдори ўсган ҳолда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини, экспорт даромадидан қарзни тўлаш коэффициенти миқдори кўрсаткичлари иқтисодий хавфсизлик даражасини ифодаловчи сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар миқдори ўсиши салбий ҳолат, лекин улар улушининг пасайиши иқтисодий хавфсизлик даражаси ижобийлигини ифода қилади.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи омиллар, аввало, янги авлод техноогияларидан фойдаланиш, истеъмол ва инвестиция учун молиявий имкониятларни ошириш имкониятларини яратиш ва давлат-

хусусий шерикчилиги муносабатларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги юқори даражасига эришиш, юқори сифатли маҳсулот яратиш ҳамда кадрлар салоҳияти юқори малакалигига эришиш ҳисобланади.

Таҳилларимиз натижалари иқтисодий хавфсизлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар чегаравий миқдорларини белгилашда биринчи навбатда, иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатлар ва мамлакатни ривожлантириш стратегиясининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигидан далолат бермоқда. Биз чегаравий миқдорлар мазмуни ва ҳисоблаш усуллари бўйича сезиларли даражада бири-бирдан фарқ қиладиган кўп сонли кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур деган, фикрга қўшиламыз.

Шу билан бирга, иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан иқтисодиётнинг ҳолатини етарлича акс эттира оладиган кўрсаткичлар чегаравий миқдорларини танлаш зарур, деб ҳисоблаймыз.

Иқтисодий хавфсизлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими давлат даражасида тасдиқланган миқдорий параметрлар мақомига эга бўлиши ҳамда мамлакат иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатлари ва аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш инобатга олинishi зарурдир. Ушбу кўрсаткичлар чегаравий миқдорларини белгилаш қуйидаги меъёрларга асосланиш зарур:

- иқтисодиётнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш режимида ишлаш қобилияти;
- стратегик ресурслар устидан давлат назоратини ўрнатилиши;
- иқтисодиётнинг энг муҳим турдаги маҳсулотлар импортига боғлиқлигини бартараф этиш;
- аҳоли шароитини қашшоқлик даражасидан юқори даражада ушлаб туриш;
- молия тизими, миллий валюта барқарорлиги, молия бозори ва қимматли қоғозлар бозорининг тўғри ривожланиш даражаси, ташқи ва ички

карзни камайтириш ва самарали бошқариш, инвестиция фаолияти учун шарт-шароитларни таъминлаш;

- ягона иқтисодий макон ва минтақалараро иқтисодий муносабатларни сақлаб қолиш;

- иқтисодий жараёнларни зарур давлат томонидан тартибга солишни таъминлаш.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг жаҳон амалиётини таҳлил қилиш бўйича ўрганишлар натижасига кўра, маҳаллий олимларни давлат даражасида жалб қилган ҳолда мамлакат, минтақалари ва хўжалик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг узоқ муддатли концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдги 589-сонли Қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2019 йил 30 декабрь, 52-сон, 918-модда.
2. Герасимов К. Б., Несоленов Г. Ф. Экономическая безопасность: учеб. пособие. – Самара: Изд-во Самарского университета, 2011. – 80 с.
3. Кузнецов Д.А., Руденко М.Н. Система индикаторов оценки экономической безопасности страны //Угрозы и безопасность, 2015. – №23. – С. 59-67.
4. Котилко В.В. Региональная экономическая политика: Учеб. пособие. – Москва: Изд-во РДЛ, 2001. 272 с., И.В.Новикова, Н.И.Красников. Индикаторы экономической безопасности региона. // «Экономика» №11, 2009. 132 с. Buzan. B. New Patterns of Global Security in the Twenty-First Century” [Электронный ресурс] / В. Busan // International Affairs. – 1991. – Vol. 67, No. 3. – URL: http://euroakadeemia.ee/materjalid/Buzan_322_Century.pdf (дата обращения 14.07.2018).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси, халқаро инвестицион позиция ва ташқи қарзи. 2021 йил 1-ярим йилик. 28-б.
6. Hough, P. Understanding Global Security / P. Hough. – 2nd ed. – London: Routledge, 2008.
7. Майлз Калер (2004) Экономическая безопасность в эпоху глобализации: определение и обеспечение, The Pacific Review, 17: 4, 485-502, DOI: 10.1080 / 0951274042000326032.
8. Isroilov B.I., Ibragimov B.B.U., Ibrohimov B.J.U. Problems of Ensuring Economic Security in the Context of Deepening Globalization and Digitalization. Advances in Economics, Business and Management Research, volume 156 2nd International Scientific and Practical Conference on Digital Economy (ISCDE 2020). <https://doi.org/10.2991/aebmr.k.201205.031>
9. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.